

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**



**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
БЎЛИМИ НИЗОМИ**

**(УСТАВ ОТДЕЛА КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА
ОБРАЗОВАНИЯ)**

**(STATUTES OF THE EDUCATION QUALITY CONTROL
DEPARTMENT)**

Бухоро-2024



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Бухоро давлат тиббиёт
институтининг ректори

Ш.Ж. Тешаев

24 » январь 2024 й

**Бухоро давлат тиббиёт институтининг таркибидаги
Таълим сифатининг назорат қилиш бўлимининг тўғрисидаги
Н И З О М**

Бухоро давлат Институтининг таркибидаги Таълим сифатининг назорат қилиш бўлимининг Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Олий таълим муассасаларининг бошқичма-бошқич ўзининг ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-60-сонли ва «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-61-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 27 мартдаги «Давлат олий таълим муассасаларида Таълим сифатининг назорат қилиш бўлимининг фаолиятининг такомиллаштириш тўғрисида»ги 72-сон буйруғи асосида давлат олий таълим муассасаларига берилган имкониятларга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бевосита мазкур таълим муассасасининг таркибига қиради.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Бухоро давлат тиббиёт институтининг таркибидаги Таълим сифатининг назорат қилиш бўлимининг мақоми, асосий мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятининг ташкил этиш тартибининг белгилайди.

2. Бухоро давлат тиббиёт институтининг (кейинги ўринларда матнда - БухДТИ деб юритилади) таркибидаги Таълим сифатининг назорат қилиш бўлимининг (кейинги ўринларда матнда - Бўлим деб юритилади) мазкур таълим муассасасининг тузилмасига қиради.

3. Бўлим низоми БухДТИ кенгашининг 8-сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва тасдиқланди.

Белгиланган тартибда тасдиқланган БухДТИ бўлимининг Низоми бўлим ходимлари томонидан ўзига юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

4. Бўлимнинг асосий мақсади БухДТИ талабаларининг билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигининг ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатининг мониторингининг юритиш, Институтни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва унинг натижаларининг бўйича таълим

сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўришдан иборат.

5. Бўлим бошлиғи ва унинг ходимлари БухДТИ ректори буйруғи билан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикаси Конституцияси, Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорлари, Ўзбекистан Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда БухДТИ ректорининг буйруқлари ва қонуний кўрсатмаларига, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ олиб боради.

Бўлим амалга оширилган ишлар, муаммолар ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда БухДТИ ректорига тақдим этади.

I. БЎЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

7. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг давлат таълим стандартлари (ДТС), малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;
- БухДТИда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари ва ўқув - услубий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;
- БухДТИ талабалари билимларининг ДТСга мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш;
- таълим сифатини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;
- БухДТИни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни БухДТИ ректорига тақдим этиш;
- аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда БухДТИда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш;
- таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан тегишли таркибий тузилмаларга таклифлар бериш;
- таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;
- БухДТИнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим,

марказ) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқдаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аникланадиган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича БухДТИ раҳбариятига таклифлар киритиш;

- БухДТИ профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва хулосаларни БухДТИ ректорига маълум қилиш;

- БухДТИнинг ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишлар режаларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

- таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- БухДТИ да талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инобатга олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

- Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг холислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш;

- БухДТИ даги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ёки халқаро лойихалар ва БухДТИ ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганиш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;

- БухДТИ рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни олий таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- БухДТИ тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларни ўтказиш;

- БухДТИ да жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар

билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

- ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий татбиғи масалалари мониторингини юритиш;

- БухДТИ Кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда бўлим томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

- таълим сифати ҳолатини ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли таклифларни БухДТИ раҳбариятига тақдим этиш.

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- БухДТИда таълим сифатини ДТС ва малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли назоратни ташкил этиш бўйича фаолиятни ва чора-тадбирларни амалга оширади;

- асосий фаолиятини белгиланган мезонлар асосида таълим сифатини аниқлаш, уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш йўналишларини белгилаб беришга ва бу жараёни мувофиқлаштиришга қаратади;

- таълим йўналиши ва мутахассисликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлигини ўрганади;

- талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари (шу жумладан, электрон дарслик ва ўқлланмалар) билан таъминланганлик даражасини ва замонавий талабларга мослигини таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда тиллар кесимида таҳлил қилади;

- БухДТИ профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилади ёки уларнинг тегишли Қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганади ва хулосаларни ОТМ ректорига маълум қилади;

- ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганади ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни беради;

- илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётганлигини, БухДТИ профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг илмий-тадқиқот ишларидаги (фундаментал, амалий, инновацион ва ҳ.к. тадқиқотлар кесимида) иштирокини, илмий ишларнинг ишлаб чиқаришга татбиғини молиялаштириш манбалари ҳолатлари бўйича

ўрганади;

- БухДТИ таркибий тузилмаларининг замонавий моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилади;

- таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини, БухДТИнинг кадрлар тайёрлаш ва ҳамкорликда илмий технологик ечимлар яратишда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини (самарали ёки самарасизлигини) ўрганади;

- ўз соҳаси бўйича илғор технологияларнинг ривожланишига қараб таълим жараёнларини амалга ошириш учун педагог кадрларнинг бевосита ишлаб чиқаришда малакаси оширилишини (мунтазам ёки мунтазам эмаслиги) ҳамда таълим йўналишлари бўйича истеъмолчилар бозорининг ўрганилганлигини (маркетинг хизмати асосида) таҳлил қилади;

- таълим жараёнига илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари ҳамда хорижий давлатлар малакали мутахассисларининг жалб этилишини таҳлил қилади;

- талабалар бажараётган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияси мавзуларининг долзарблиги, сифати ва уларни ишлаб чиқаришга қай даражада жорий қилинганлигини ўрганади;

- БухДТИнинг таянч докторантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчи институти орқали олий малакали кадрлар тайёрлаш фаолиятини таҳлил қилади;

- БухДТИнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик фаолиятини таҳлил қилади;

- БухДТИда маънавий-маърифий ишлар режаси, мазмуни ва унинг бажарилишини (баённомалар асосида), профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларга жалб этилганлигини, таълим муассасасидаги маънавий-ижтимоий муҳитни, педагог ходимларнинг ахлоқий сифатларини (сўровнома асосида) ўрганади;

- БухДТИ ахборот-ресурс маркази фондининг зарур адабиётлар билан таъминланганлигини, улардан фойдаланаётган профессор-ўқитувчилар ва талабалар салмоғини аниқлайди;

- битирувчиларнинг таълимни кейинги босқичига ўқишга кириши ёки ишга жойлашишларини таҳлил қилади;

- ота-оналар ва иш берувчилар ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳомийлик кенгаши фаолиятидаги ва таълим жараёнидаги иштирокини таҳлил этади;

- профессор-ўқитувчилар рейтингини аниқлаш бўйича таклифлар

киритади;

- талабаларнинг мустақил таълим самарадорлигини даврий равишда мониторинг қилади;

- БухДТИ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар томонидан хорижий тилларни ўрганишнинг самарадорлиги бўйича мониторинг юритади;

- талабалар билимини баҳолаш бўйича назорат натижаларини танлама таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг холислигини ва шаффофлигини ўрганади ва таклифлар тайёрлайди;

- якуний давлат аттестацияларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилган ҳолда ўтказилганлигини ва унинг натижаларини таҳлил қилади;

- БухДТИнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказди, таҳлилий маълумотларни тайёрлайди, уларни БухДТИ ректорига ўрнатилган тартибда тақдим қилади;

- БухДТИда кадрлар тайёрлаш сифати ва талабалар билим даражасини ошириш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказди;

- БухДТИ фаолиятини халқаро таълим сифатини аниқлаш индикаторлари билан таққослаш асосида унинг жаҳон рейтингида муносиб ўрин эгаллаши учун тегишли таркибий тузилмалар билан чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

- БухДТИда халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигини, хорижий мамлакатлар билан шартнома асосида талаба, таянч докторант, докторант, илмий ходимлар алмашинувини, фан соҳасида халқаро илмий тадбирларнинг ташкил этилишини (семинар, анжуман, симпозиум ва ҳ.к.), чет эл грантлари асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларини, хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таҳлил қилади ва бу соҳани ривожланишига таклифлар беради ва амалий ёрдам кўрсатади;

- Бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида, Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва БухДТИ ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганади ва уларни таълим жараёнига татбиқ этади;

- ОТМлар рейтингини аниқлаш ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда ҳамда бошқа топшириқ ва вазифаларни бажаришда иштирок этади;

- БухДТИ рейтингини халқаро даражага кўтариш учун тажрибали профессор-ўқитувчилар ва ёш мутахассисларни чет эл тажрибасини ўрганиш мақсадида хизмат сафарига юбориш ва уларнинг натижасини таълим жараёнига тадбиқ этишда Институт раҳбарияти билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади;

- республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб боради ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

- БухДТИда таълим сифатини ошириш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижалари асосидаги таклифларни олий таълим раҳбариятига тақдим этади.

III. БЎЛИМНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бўлим зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун БухДТИ таркибий тузилмаларидан зарур маълумотлар ва материалларни олиш;

- БухДТИ ва унинг таркибий тузилмаларида талабалар, тингловчилар ва ўқувчиларни ўқитиш сифатини, таълимнинг тегишли турлари бўйича ишчи ўқув режалари ва фанларнинг ишчи дастурларини ДТСларига, давлат талабларига, малака талабларига ва ўқув режа ҳамда фанларнинг намунавий дастурларига мувофиқлигини белгиланган тартибда ўрганиш;

- БухДТИда аттестация жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва унинг ўз вақтида бажарилишини назоратга олиш;

- БухДТИда таълим сифатига оид қабул қилинган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа қарорларнинг етарли даражада ижроси таъминланмаганлиги аниқланганда, масъулларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун раҳбариятга таклифлар киритиш;

- БухДТИда ижтимоий муҳитни, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати муаммолари бўйича халқаро конференциялар, анжуманлар, симпозиумлар, семинар ва уқувларда иштирок этиш;

- белгиланган тартибда БухДТИ Кенгашига сайлаш ва сайланиш;

- Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

10. Бўлим қуйидаги мажбуриятларга эга:

- хизмат вазифаларини виждонан бажаради ва ўз шаънига доғ туширмайди;
- маълумотларнинг ҳаққонийлигига ҳамда БухДТИнинг ишчи ўқув режалари ва фанларнинг ишчи дастурларини тайёрлаш сифати, битирувчиларнинг якуний аттестация ва рейтинг баҳолари холислигини белгиланган тартибда назоратини ташкил этишга жавоб беради.

11. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, БухДТИнинг Устави, Ички тартиб ҳамда Одобралок қоидаларига риоя этади.

IV. БЎЛИМ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

12. Бўлим БухДТИ таркибида унинг белгиланган штатлари доирасида Институт ректори буйруғига мувофиқ ташкил этилади. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

13. Бўлим 7 нафар ходим: бўлим бошлиғи, бир нафар бош мутахассис, 2 нафар етакчи мутахассис ҳамда таълим жараёнлари мониторинги сектори бош мутахассис ва икки нафар етакчи мутахассисдан иборат.

14. Бўлим бошлиғи ва бош мутахассис лавозимларига номзодлар БухДТИ ректори буйруғи билан тайинланади ва лавозимларидан озод этилади.

15. Бўлим ходимларининг ойлик иш ҳақи Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига (*Ўзбекистон Республикаси ВМ, 2008 й, 8-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 и, 33-сон, 852-модда*) мувофиқ белгиланади ва БухДТИ томонидан тўланади. Бўлим ходимларига БухДТИ ходимлари лавозимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

16. Бўлим фаолиятига раҳбарлик қилиш бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади. Бўлим бошлиғининг лавозими, декан ўринбосари лавозимига тенглаштирилади. Бўлим бошлиғи бўлмаган (таътил, бетоблик, хизмат сафари) даврда унинг вазифасини бажариш бош мутахассисга юклатилади.

17. Бўлим ўз фаолиятини юритишда БухДТИ ректорига бўйсунди.

18. Бўлимга таълим сифатини назорат қилиш соҳасида амалий-методик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар, шунингдек,

илмий- педагогик стажга эга бўлган шахслар таркибидан малакавий талабларга мувофиқ белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.

V. БЎЛИМ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

19. Бўлим бошлиғи лавозимида қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустакил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, катъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур;

- Олий таълим муассасасининг тегишли бошқарув бўғинларида- кафедра мудир, факультет декани ёки ўринбосари каби раҳбарлик лавозимларида камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур;

- Таълим жараёнида замонавий педагогик усулларни қўллаш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билимлардан хабардор булиши;

- Ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши, янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлаш ва уларга гриф олиш тартибини билиши;

- ОТМ профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини билиши;

- Ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукамал билиши (штанг бирлигини шакллантиришда ходимнинг хорижда малака оширганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ);

- Иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.

20. Бўлим бошлиғининг асосий функционал вазифаларига қуйидагилар кирди:

- Бўлим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари

ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Институт ректори буйруқ ва кўрсатмалари асосида ташкил этиш;

- Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларини ишлаб чиқиш;
- Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;
- Институтда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;
- Институт талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш;
- Таълим сифатини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;
- Кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;
- Институтни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни Институт ректорига тақдим этиш;
- Таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;
- Таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан тегишли таркибий тузилмаларга таклифлар бериш;
- Институтнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича Институт раҳбариятига таклифлар киритиш;
- Институт профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фанига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва хулосаларни Институт ректорига маълум қилиш;
- Таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- Институтда талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инобатга олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

- Институт рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;
- Аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда Институтда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш;
- Бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва Институт ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказларига стажировка ва малака оширишларини таъминлаш ва илғор хорижий тажрибани таълим жараёнига тадбиқ этилишини таъминлаш;
- Институт рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни олий таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;
- Институтга тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлар ва тренинглар ўтказиш;
- Ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий тадбиғи масалалари мониторингини юритиш;
- Институтнинг таянч докторантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчи институти орқали олий малакали кадрлар тайёрлаш фаолиятини таҳлил қилиш;
- Институт Кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда бўлим томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ишларни ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш;
- Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бўйича топшириқларни бажариш натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки интизомий чора кўриш ҳақида Институт раҳбариятига ўрнатилган тартибда таклиф ва тавсиялар киритиш;
- Таълим сифатини назорат қилиш соҳасида бўлимга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш;
- Таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан Институт ректорига таклифлар бериш;
- Институт рейтингини аниқлаш, баҳолаш, аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;
- Институтдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим

сифатини ўрганиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва кадрлар истеъмоличлари ўртасида ўтказиладиган ижтимоий сўровлар жараёнида иштирок этиш, натижалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Республика ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Институтда ички жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

- Институт Кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда бўлими томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш.

21. Бўлим бош мутахассиси лавозимида қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга (магистр дипломи) эга бўлиши;

- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

22. Бўлим бош мутахассисининг асосий функционал вазифаларига қуйидагилар кирди:

- Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Институт ректори буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бўлим бошлиғининг топшириқлари асосида ташкил этиш;

- Бўлимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назоратини таъминлаш;

- Институтнинг ўқув, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлар режаларининг Институт тараққиёт стратегияси мақсадларига эришиш мақсадида барча жиҳатларнинг қамраб олинганлигини ва бажарилишини

мониторинг қилиш;

- Институтнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ) педагог ходимларнинг касбий малакасини, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларида сифат даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ички аттестация жараёнини ташкил этишда ва амалга оширишда иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Жамоатчи экспертлар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш ҳамда ҳисобот тайёрлаш;

- Бўлим фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда Институтда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан назоратни юритиш;

- Республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Институт профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фанларига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- бўлим бошлиғи руҳсати билан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда асосий ташкилотчи сифатида иштирок этиш;

- Ташкилий-ҳуқуқий ва методик кўрсатмалар асосида таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини олиб бориш ва назорат қилишни ташкил этиш;

- Таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

- Институтни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва олинган маълумотлар асосида ҳисобот тайёрлаш;

- Институтдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш;

- Институтдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим

сифатини ўрганиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ўтказиладиган ижтимоий сўровлар жараёнида иштирок этиш, натижалари юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш;

- Битирувчиларнинг таълимни кейинги босқичига ўқишга кириши ёки ишга жойлашишларини таҳлил қилишда иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан таклифлар киритиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Талабалар бажараётган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияси мавзуларининг долзарблиги, сифати ва уларни ишлаб чиқаришга қай даражада жорий килинганлигини ўрганиб чиқиш;

- ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш ҳамда ҳисобот тайёрлаш;

- Институт тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларга иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Институтда ички жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Институт Кенгашида, давра суҳбатлари ва анжуманларда ТСНҚ бўлими томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

23. Бўлим етакчи мутахассиси лавозимида қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга (магистр дипломи) эга бўлиши;

- Бўлим йўналиши бўйича камида 2 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

24. Бўлим етакчи мутахассисининг асосий функционал

вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Институт ректори буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бўлим бошлиғининг топшириқлари асосида ташкил этиш;

- Бўлимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назоратини таъминлаш;

- Институтнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ) педагог ходимларнинг касбий малакасини, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларида сифат даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ички аттестация жараёнини амалга оширишда иштирок этиш;

- Бўлим фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

- Аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда Институтда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан фаолият юритиш;

- Республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга оид янгиликларни доимий ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Институт профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фанларига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш;

- бўлим бошлиғи рухсати билан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- Ташкилий-ҳуқуқий ва методик кўрсатмалар асосида таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини олиб бориш;

- Институтни ички аттестациядан ўтказишда иўтирок этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва тавсия киритиш;

- Институтдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказишда иштирок этиш;

- Битирувчиларнинг таълимни кейинги босқичига ўқишга кириши

ёки ишга жойлашишларини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- Таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан таклифлар киритиш;

- ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- Институт тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларга иштирок этиш;

- Институтда ички жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда иштирок этиш.

25. Бўлим таълим жараёнлари мониторинги сектори бош мутахассиси лавозимига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга (магистр дипломи) эга бўлиши;

- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

26. Бўлим таълим жараёнлари мониторинги сектори бош мутахассисининг асосий функционал вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ОТМ директори буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бўлим бошлиғи топшириқлари асосида ташкил этиш;

- ОТМ профессор-ўқитувчиларини дарс ўтиш жараёнини камера кузатувлари орқали таҳлил қилиш ҳамда бўлим бошлиғига ҳафталик ҳисобот тақдим этиш;

- Ҳар бир фан бўйича дарс машғулотларини жойида таҳлил қилиш ва

Институт ректорига маълумотлар тақдим қилиш мақсадида ҳисоботлар тайёрлаш;

- ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан олиб бориладиган ўқув машғулотларининг дарс жадвалларига мос равишда ўтказилишини назорат қилиш ва аниқланган ҳолатлар бўйича маълумот тайёрлаш;

- Талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида баҳолаш жараёнлари холислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш ҳамда назорат қилиш;

- Талабалар билимини баҳолаш жараёнларида кузатувчи сифатида иштирок этиш;

- Талабалар билимини танланма асосида аниқлаш учун қўшимча равишда назорат ишларини ўтказиш (мазкур назорат натижаси талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичида акс этмайди), натижаларни таҳлил қилиш, таълим сифатига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш жараёнларини ташкиллаштириш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Институт деканатлари томонидан шакллантириладиган дарс жадвалларини оптималлаштиришда иштирок этиш;

- Талабалар давомати ва профессор-ўқитувчиларнинг дарсга муносабатини мониторингини олиб бориш ва мунтазам равишда маълумот тайёрлаш;

- Баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлаш ва уларнинг натижалари юзасидан Институт кенгашида ҳамда ректор йиғилишида ҳисоботлар бериб бориш;

- Битирувчиларнинг билим даражасини ўрганиш мақсадида якуний давлат аттестацияси комиссиялари ҳужжатлари билан танишиш;

- Институтни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва ички аттестация натижаларини, таълим сифатига таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғига тақдим этиш;

- ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- Институт тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларга иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Институтда ички жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар-тренингларда мунтазам равишда иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- ОТМ профессор-ўқитувчилар томонидан очик дарсларнинг

ўтказилиши ҳолатини таҳлилий ўрганиш;

- Ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни кенгайтириш юзасидан таклифларни бериб бориш;

- Таълим сифати ҳолатини ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли таклифлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш;

- Кафедраларда мустақил таълимнинг ташкил этилганлигини ўрганиш ва ҳолат юзасидан доимий ҳисобот тайёрлаб бориш;

- Талабалар давоматини тегишли электрон тизимга юритилиши билан боғлиқ салбий ҳолатларни аниқлаш ва мунтазам равишда маълумот тайёрлаш;

- Дарс жараёнларини бузиш, талабалар билимини баҳолаш ва бошқа шу каби салбий оқибатларни юзага келтирувчи ҳолатлар, аралашувлар, масъулиятсизликлар билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мунтазам равишда маълумот тайёрлаш.

27. Бўлим таълим жараёнлари мониторинги сектори етакчи мутахассиси лавозимига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга (магистр дипломи) эга бўлиши;

- Бўлим йўналиши бўйича камида 2 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

28. Бўлим таълим жараёнлари мониторинги сектори етакчи мутахассисининг асосий функционал вазифаларига қуйидагилар кирди:

- Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ОТМ директори буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бўлим бошлиғи топшириқлари асосида ташкил этиш;

- ОТМ профессор-ўқитувчиларини дарс ўтиш жараёнини камера кузатувлари орқали таҳлил қилиш;
- Ҳар бир фан бўйича дарс машғулотларини жойида таҳлил қилиш;
- ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан олиб бориладиган ўқув машғулотларининг дарс жадвалларига мос равишда ўтказилишини назорат қилиш;
- Талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида баҳолаш жараёнлари холислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш ҳамда назорат қилиш;
- Талабалар билимини баҳолаш жараёнларида кузатувчи сифатида иштирок этиш;
- Талабалар билимини танланма асосида аниқлаш учун қўшимча равишда назорат ишларини ўтказиш (мазкур назорат натижаси талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичида акс этмайди), натижаларни таҳлил қилиш, таълим сифатига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш жараёнларини ташкиллаштириш;
- Талабалар давомати ва профессор-ўқитувчиларнинг дарсга муносабатини мониторингини олиб бориш;
- Баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлаш;
- Институтни ички аттестациядан ўтказиш жараёнларида иштирок этиш;
- ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;
- Институт тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренингларга иштирок этиш;
- Институтда ички жамоатчи экспертлар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар-тренингларда мунтазам равишда иштирок этиш;
- ОТМ профессор-ўқитувчилар томонидан очик дарсларнинг ўтказилиши ҳолатини таҳлилий ўрганиш;
- Ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни кенгайтириш юзасидан таклифларни бериб бориш;
- Кафедраларда мустақил таълимнинг ташкил этилганлигини ўрганиш жараёнларида иштирок этиш;
- Талабалар давоматини тегишли электрон тизимга юритилиши билан боғлиқ салбий ҳолатларни назорат қилиш;

- Дарс жараёнларини бузиш, талабалар билимини баҳолаш ва бошқа шу каби салбий оқибатларни юзага келтирувчи ҳолатлар, аралашувлар, масъулиятсизликлар билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29. Бўлим ходимлари ўз зиммасига юклатилган функционал вазифалари доирасида тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

30. Бўлим фаолиятига оид низолар, ўзаро мунозаралар олиб бориш орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

31. Ушбу Низом таълим сифатини таъминлашнинг замонавий талаблари асосида ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

32. Мазкур Низомнинг бекор қилиш ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда БухДТИ ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyoti instituti
Kengashi 7- son majlis bayonnomasidan
KO'ChIRMA

24.01.2024 y.

Buxoro shahri

Rais: Sh.J.Teshayev

Kotib: Sh.A.Naimova

Qatnashdilar: 84 nafar Ilmiy kengash a'zosidan 70 nafari

KUN TARTIBI:

5. Xar xil masalalar. Buxoro davlat tibbiyot instituti pedagog xodimlarni ishga qabul qilish bo'yicha

Eshitildi: Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyotining instituti rektori Sh.J.Teshayev so'zga chiqib, Ta'lim sifatini nazorat qilish bo'limining 2023-2024 yil o'quv yilidagi Nizomini Kengash a'zolaridan tomonidan tasdiqlab berishni so'radi.

Ushbu masalalar Kengash a'zolari tomonidan bir ovozdan tasdiqlandi. Qarshilar va betaraflar yo'q.

Qaror qilindi:

5.1 Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot institutining Ta'lim sifatini nazorat qilish Nizomi tasdiqlansin.

5.2. Qaror ijrosi Ta'lim sifatini nazorat qilish bo'limi boshlig'i S.S. Davlatov bo'limi boshlig'i zimmasiga yuklatilsin.

Kengash raisi

Kengash kotibasi



Sh.J.Teshayev

Sh.A.Naimova